

**ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ
РАЎБАТЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ТУРИЗМ САНОАТИНИ САҚЛАБ
ҚОЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

Муаллиф: Маматов Баҳодир Қулдошович, таянч докторант

e-mail: mqbahodir@mail.ru

Аннотация. *Мақолада пандемиянинг иқтисодиёт тармоқларига, хусусан туризмга кўрсатаётган салбий таъсири ва уни юмшатиш йўллари келтирилган. Шунингдек, зиёрат туризмнинг юртимиз туризм соҳасидаги ўрни ва истиқболлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритилган.*

Калит сўзлар: *пандемия, зиёрат туризми, ички туризм, хавфсиз туризм, саёҳат, турист.*

**Пути сохранения сферы туризма посредством стимулирования
паломнического туризма в условиях пандемии**

Аннотация. *В статье обсуждается негативное влияние пандемии на сектора экономики, в частности на туризм и пути её смягчения. Также были высказаны комментарии о роли и перспективах паломнического туризма в туристической индустрии нашей страны.*

Ключевые слова: *пандемия, паломнический туризм, местный туризм, безопасный туризм, путешествие, турист.*

**Ways to preserve the tourism industry by stimulating pilgrimage tourism in a
pandemic**

Abstract. *The article discusses the negative impact of the pandemic on sectors of the economy, in particular on tourism and ways to mitigate it. There were also comments on the role and prospects of pilgrim tourism in the tourism industry of our country.*

Key words: *pandemic, pilgrimage tourism, local tourism, safe tourism, travel, tourist.*

2019 йил декабрь ойининг 2-декадасида Хитойнинг Ухан шаҳрида номаълум вирус аниқланди. Бу тождор вирус кейинчалик бутун дунёга ёйила бошлади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) бу вируснинг шиддат билан ривожланганини таҳлил қилиб, уни пандемия деб атади. Пандемия иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларини издан чиқарди. Хусусан, пандемия оқибатида мамлакатлар ўз ҳудудида карантин чекловларини қўллай бошлади ва фуқаролар ҳаракати чекланди. Бундан авиакомпаниялар катта зарар кўрди ва таназзулга учради ва туризм саноати издан чиқди. Барча мамлакатлар бундай ҳолатда иқтисодиёт тармоқларини асраб қолиш мақсадида давлат бюджетидан уларга субсидия ва преференциялар ажратди. Аксарият таниқли иқтисодчи ва сиёсатчи олимларнинг фикрича, жаҳон пандемиядан сўнг иккига бўлинади, яъни пандемиягача бўлган давр ва пандемиядан кейинги давр.

Туризм – пандемиядан энг кўп зарар кўрган соҳалардан биридир. Туризм асосан мустақил кичик бизнес эгаларидан ташкил топган соҳадир. Авиакатновлар ва меҳмонхоналар тизимлари шулар жумласидандир. Туризмнинг жадал суръатларда ривожланишида авиачипталарнинг арзонлиги муҳим роль ўйнайди. Авиакатнов – туризмни юргизувчи двигателдир. Шу сабабли ҳукуматлар авиацияга ёрдам бериш орқали туризмни қутқаришга уринмоқдалар. Иккинчиси – меҳмонхоналар бўлиб, уларга қайсидир маънода ҳукумат ёрдам бериши мумкин. Ривожланган давлатларда “bailout” тизими бор бўлиб, бунда маълум соҳаларга инқироздан чиқиб кетиши учун ҳукумат томонидан молиявий ёрдам берилади. Масалан, солиқ имтиёзлари, ходимларга вақтинча ойлик тўлаш кабилар. Туризмда кўпчилик ўзини-ўзи банд қилувчилардир. Биргина гидларни оладиган бўлсак, Ўзбекистонда улар ишсиз қолишди. Мамлакатимизда бу касб мавсумий касб бўлиб, баҳор ва кузда ишлашади. Жаҳонда ҳар 10-ишчи ўрин туризм билан боғлиқ ва у асосий даромад олиб келувчи соҳалар ичида 3-ўринда туради. Жаҳон туризм ташкилотининг ҳисоботида кўра, дунё туризми пандемия туфайли 1 трлн. АҚШ доллари атрофида зарар кўрди. Бу соҳада 100 миллиондан ортиқ аҳоли банд эди ва улар ҳозир ишсиз. Туризм ўз ўрнига қайтиб келиши учун 18 ой

муддат талаб этилади [1]. Тождор вирус пандемияси миллиардлаб кишиларни уйда ўтиришга мажбур қилмоқда ва оқибатда туризм саноатига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Жаҳон саёҳатлар ва туризм кенгаши турли мамлакатлар иқтисодиётини ўрганиб, улардан қайсилари энг кўп зарар кўришини аниқлади. Кенгаш маълумотларига кўра, 2018 йилда туристлар жаҳон иқтисодиётига 8,8 трлн. АҚШ доллар олиб келган ва жами иқтисодий фаолликнинг 10,4 фоизини таъминлаган. Қуйидаги жадвалда иқтисодиёти туризмга боғланган 20 та давлат келтирилган:

1-жадвал

Дунёдаги энг йирик 20 та иқтисодиётининг саёҳат ва туризмга боғлиқлиги (ЯИМ нинг фоизи кўринишида)

<i>т/р</i>	<i>Мамлакат номи</i>	<i>фоизи</i>	<i>т/р</i>	<i>Мамлакат номи</i>	<i>фоизи</i>
1	Таиланд	22	11	Аргентина	10,2
2	Филиппин	21	12	Ҳиндистон	9,4
3	Мексика	16,1	13	Саудия Арабистони	9,2
4	Испания	14,9	14	Франция	9
5	Италия	13	15	Бразилия	7,9
6	Туркия	11,6	16	АҚШ	7,8
7	Хитой	11	17	Япония	6,8
8	Австралия	11	18	Канада	6,5
9	Германия	10,7	19	Россия	4,9
10	Буюк Британия	10,5	20	Жанубий Корея	4,7

Манба: Жаҳон саёҳатлар ва туризм кенгаши маълумотлари асосида тайёрланган www.kun.uz расмий сайтида келтирилган мақоладан олинди.

Пандемия сабабли Ўзбекистонда ҳам туризм соҳаси издан чиқди. Аэропортлар ҳаво кемаларини қабул қилмай қўйди. Мамлакатимиз бюджетидан “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК га солиқ имтиёзлари берилди.

Ўзбекистон Буюк ипак йўлининг ўрта қисмида – юрагида жойлашган. Бу эса мамлакатимизда қадимдан савдо-сотик ривожланганлигига асосий сабаблардан биридир. Ўзбекистон тарихий-маданий обидаларга бой мамлакат.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарлар 2500-3000 йиллик тарихга эга. Юртимиз тарихий рекреацион ресурсларга бой бўлиб, бу эса республикада зиёрат туризмини ривожлантириш учун улкан салоҳият борлигидан далолат беради. Ўзбекистонда 8600 дан ортиқ тарихий обидалар жойлашган ҳудудлар бор. Бу катта салоҳият дегани. Туристларнинг аксарият қисмини кекса ёшдагилар ташкил этишини ҳисобга олсак, зиёрат туризмини юртимизда ривожлантириш истиқболли йўналиш деб бемалол айта оламиз.

Мамлакатимизда туризм соҳаси бўйича етакчи ташкилот бу – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси саналиб, унинг вазифаларига қуйидагилар киради:

1. Аҳолининг маданий дам олишлари ва саёҳат қилишларини таъминлаш.
2. Қадимий Буюк ипак йўли ўтган шаҳарларга аҳолининг сайр-саёҳатлар қилишига шарт-шароитлар яратиш.
3. Улуғ алломалар хотирасига бағишлаб қурилган мақбаралар, ёдгорлик масканлари ва ҳоказоларга зиёрат қилиш учун саёҳатлар уюштириш.
4. Ўқувчи-ёшларнинг тарихий ёдгорликларни саёҳатлар орқали ўрганиши ва сайр қилиб, дам олишларини таъминлаш.
5. Халқаро туризмни ривожлантириш, чет мамлакатларга саёҳат қилиш, чет элдан келган сайёҳлар гуруҳини кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш.
6. Тижорат, ўзаро ҳамкорлик ва бошқа мақсадларда саёҳат тадбирларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш.
7. Туризм бўйича маданий хизматларни кенгайтириш, уларга ёшларни жалб этиш ва мутахассис кадрлар тайёрлаш ишларини жадаллаштириш ва ҳоказолар [2].

Ўзбекистонга туристлар асосан тарихимиз, маданий меросимизга бўлган қизиқиш сабаб келади. Бухоронинг қадимий қисми, Хивадаги Ичанқалъа каби обидалар ЮНЕСКО рўйхатига кирган. Бизда зиёрат туризмини ривожлантириш истиқболли йўналиш, бунини Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг вазифалари ҳам айтиб турибди.

Самарқанддаги Шоҳизинда, Регистон мажмуалари, Улуғбек расадхонаси, Бибихоним масжиди, Гўри Амир ёдгорлик мажмуаси ва бошқалар; Бухородаги Минораи Калонни; Хивадаги Ичанқалъани кўриш учун юртимизга ҳар йили миллионлаб сайёҳлар ташриф буюради.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2019 йилда Ўзбекистонга 6 700 000 нафар сайёҳ келган. Шу йилнинг 1 январидан 15 мартгача эса 1 200 000 га яқин турист Ўзбекистонга келган (маълумот учун айтиб ўтиш лозим, Ўзбекистонда тождор вирус билан касалланган илк бемор 15 март куни қайд этилган эди, шу сабабли ташриф буюрган туристлар сони 15 мартгача ҳисобланди). Пандемия шароитида соҳада банд бўлган 260 000 дан ортиқ одам ишсиз, даромадсиз қолди [3].

Ўзбекистондаги йирик тадбиркорлардан бири korzinka.uz супермаркетлар тармоғи раҳбари Зафар Ҳошимов пандемиядан сўнг Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш учун қилиниши керак бўлган ишлар хусусида шундай деди: “Пандемиядан сўнг Ўзбекистон туризм бозорига “хавфсиз туризм” бренди билан кириб келиши мумкин. Меҳмонхоналаримизнинг ташриф қоғози – гигиеник хавфсизлик бўлиши лозим. Истиқболда албатта ижтимоий масофа янги тренд бўлади. Шунинг учун ходимлар қўлқопда ишлаши лозим. Меҳмонхоналарга кираверишда албатта антисептик воситалар бўлиши керак. Ўзбекистон – МДХ, Осиё учун янги бренд, яъни “хавфсиз саёҳат нуқтаси”, деган бренд билан кириши мумкин. Карантинга риоя қилиш – маркетинг қуролимиз бўла олади” [4].

Зафар Ҳошимовнинг фикрларига қўшимча қилиб шуни айтиш мумкин-ки, юртимизнинг “хавфсиз саёҳат нуқтаси” бўла олишига асосий сабаб, Ўзбекистон жиноятчилик нуқтаи назаридан дунёнинг энг хавфсиз 5 давлати рўйхатига кирган.

Шу пайтгача Ўзбекистонга келадиган сайёҳларнинг катта қисми кекса ёшдагилар эди ва уларнинг каронавирусга чалиниш эҳтимоли юқори. Ундан ташқари, бундай тоифадаги сайёҳлар Ўзбекистонга яқка эмас, гуруҳ бўлиб ташриф буюришган – яқин истиқболда эса гуруҳ бўлиб тўпланиш тавсия

этилмайди. Ўзи энг яхши туристлар – қариялар эди, чунки улар гуруҳ бўлиб сайр қилишади ва кўпроқ харажат қилишади. Юртимизга энг кўп келадиган сайёҳларнинг 2-тоифаси – бекпекерлар, яъни ёш сайёҳлар эди. Бу тоифа сайёҳлар жуда кам харажат қилишади. Пандемиядан сўнг саёҳат қилиш нархлари ошади ва натижада бу тоифа сайёҳлар ҳам келмай қўяди. Келаси 18 ой ичида самолёт орқали учадиган бой сайёҳлар бўлади. Бундай вазиятдан чиқиб кетишимиз учун ички туризм стимул вазифасини ўташи мумкин. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, аҳолимиз 34 191 700 кишига етди, йил бошидан ҳисоблаганда 286 500 кишига ўсган [5]. Бу катта имконият, албатта. Ички туризм ривожланиши учун инфратузилмани яхшилаб қўйсак бўлди, даромадлар албатта олина бошлайди. Шу сабабли Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси келаси 18 ой давомида ички туризмни ривожлантиришга эътиборини қаратиши лозим. Саёҳат урф бўлмаганига сабаб – турмуш даражаси ва даромадларнинг ўта пастлиги. Саёҳат қачон қорин тўқ, уст бут, бошпана бўлсагина кўнгилга сиғади. Сабаби ўзбек халқи авваламбор бошпана қилишни, кейин эса бошқа ишларни ўйлайди. Япония, Германия, Жанубий Корея фуқароларининг аксарияти ижарада яшашади. Шунинг учун улар дунё бўйлаб саёҳат қилишга мойил бўлишади. Саёҳат қилиш биринчи навбатда, кишига солиштириш имкониятини беради. Саёҳат инсон дунёқарашини кенгайтиради, таққослаш имкониятини юзага келтиради. Саёҳат инсонни руҳлантиради, инсон ўзида нималарнидир ўзгартиришга ҳаракат қила бошлайди. Бизда ички туризм оқсаётганлигига яна бир сабаб, транспорт харажатларининг юқорилигидадир. Шу сабабли аҳолимиз бирламчи эҳтиёжларидан орттириб, саёҳат учун маблағ йиғолмайди. Талаба-ёшларимиз саёҳат қилмаслигига асосий сабаб эса, стипендиялар миқдорининг камлигидадир. Хориж ёшлари ўз стипендияларидан саёҳат учун алоҳида қилиб йиғиб, тўплаб боришади ва таътилда саёҳат қилишади. Сайр-саёҳат ёшларда Ватанга бўлган муҳаббатни, меҳнатсеварликни, табиатга онгли муносабатда бўлишни ва ўзаро ҳамкорликни тарбиялашда муҳим омиллардан

бири ҳисобланади. Биз ёшлар келажагимиз эканлигини чуқур англаб, уларга юртимиз бўйлаб саёҳат қилишлари учун имтиёзлар тақдим этишимиз лозим. Яқин фурсатларда Ёшлар туризмни ривожлантириш концепциясини тасдиқлашимиз керак. Ёшларга имтиёзлар қанчалик кўп беришимиз ортидан уларнинг саёҳат қилишга имкониятлари кенгайди ва оқибатда ёшларимизда ватанпарварлик туйғулари шаклланади. Бу тупроқда қандай даҳо инсонлар, уламолар яшаганлигини билиб, ҳис этиб уларга муносиб авлод бўлишга ҳаракат қила бошлайди. Аз-Замахшарий бобомизни ҳозирги ёшларимиздан сўрасангиз ким у дейди, бироқ Мисрга бориб Замахшарий юртиданман десангиз, ҳайратланганча сизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Сабаби бутун ислом оламида энг нуфузли саналган Мисрдаги Ал-Азҳар университетига киришда имтиҳон топширувчи шахс ислом оламидаги муқаддас китоб “Қуръони Карим”ни ёддан билиши лозим. Замахшарий бобомиз бу китобни осон ўрганиш мақсадида араб тили грамматикасини “Қуръони Карим” асосида ишлаб чиққан. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Биз аждодларимиздан фахрланишдан ташқари уларга муносиб авлод бўлиш ҳаракатида бўлмоғимиз лозим. Хивада жойлашган Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини бориб кўрган киши, бу бобомиз ҳақида фақатгина китоблардан ўқиган ёшларимиз, ҳам баҳодирликда, ҳам пурмаъно ҳикматли рубоийлар ёзган улуғ бобомизга ҳавасла боқиб, уларга муносиб авлод бўлишга ҳаракат қила бошлайди. У ерга ташриф буюрган киши биргина бобомизнинг қабрларини зиёрат қилишдан ташқари Хива хонларининг ҳам қабрларини зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлади. Амир Саид Кулолнинг шогирди бўлган, ўз даврида “Дуо билан гуноҳни йўқотувчи” деб улуғланган бобомиз Баҳоуддин Нақшбанд зиёратига борган ҳар бир инсонда бундай кишилар инсон эмас, авлиё деган фикр уйғонади, албатта. Бобомиз биз ёшларга қарата “Дил ба ёру даст ба кор” (Дилинг Аллоҳда, қўлинг эса ишда бўлсин) деган ҳикмати билан бизларга бу дунёда орзуларимиздан оғишмай катта марраларни кўзлашни ўргатгандек гўё. Тошкент шаҳрида ҳам зиёрат қилишга арзигулик жойлар талайгина. Масалан, 1531-1532 йилларда қурилган Ҳазрати Имом

мажмуаси, Каффол Шоший мажмуаси, Кўкалдош мадрасаси, Абулқосим мадрасасини мисол қилиб келтириш мумкин.

Хулосавий фикрлар сифатида шуларни айтиб ўтиш керак-ки, зиёрат туризми Ўзбекистонда истиқболли йўналиш саналади. Юртимиздаги 8600 дан ортиқ обидаларни умумий рўйхатини шакллантириб, уларда реконструкция ишларини олиб бормоғимиз лозим. Бундан ташқари янги-янги турпакетлар ишлаб чиқишимиз лозим. Сайёҳлар қанчалик кўп келса ва юртимиз бўйлаб саёҳат қилса, шунча кўп валюта тушуми ортади, маҳсулотларимиз сотилиши ортади. Юртимиздаги ҳарир, бахмал, хонатлас, аълобахмал, адрас, беқасам, жанди каби матоларни европалик сайёҳлар кўплаб харид қилишади. Бу ҳам туризм ривожланиши учун бизда бор бўлган салоҳиятлардан бири.

Ички туризмни ривожлантиришда Касаба уюшмалари, Ёшлар Иттифоқи, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ўзаро ҳамкорликда турли имтиёзларни жорий этиши лозим, оқибатда аҳолимизда саёҳат қилиш фикри туғилади.

Яна бир таклиф – туризмни диверсификациялаш. Бизда чипта нархи қиммат, бошқа мамлакатлар учун Ўзбекистон узоқ бўлгани учун мамлакатимизни бой сайёҳлар келадиган туристик манзилга айлантиришимиз керак. Агарда шундай 1 миллион сайёҳ келса, 10 миллион оддий сайёҳнинг ўрнини босиб кетади. Буни амалга ошириш учун меҳмонхоналар сифатини яхшилаш керак. Туристлик марказлардан бири бўлган Хива, Бухоро ва Самарқандда беш юлдузли меҳмонхоналар йўқ. Фақатгина Тошкент шаҳрида мавжуд. Бой туристлар эса, тўлаётган пулига яраша хизматлар кўрсатишларини талаб қилишади.

Зиёрат туризминини ривожлантириш учун яна бир таклиф, бу – гидларимиз юртимиздаги зиёратгоҳларга бориб ўша ердан инглиз, француз, немис, испан, итальян, хитой, япон ва бошқа тилларда қисқа метражли видеороликлар қилиб, уларни ижтимоий тармоқларга юклашса, пандемияда режалаштирган саёҳатларини амалга ошира олмай ўтирган сайёҳлар пандемиядан сўнг бораман деб, режалаштириб туришади.

Бирлашган Араб Амирликларининг Emirates Airlines авиакомпанияси самолётга чиқаришдан олдин натижаси 15 дақиқада чиқадиган тождор вирусни аниқлайдиган тестни қўлламоқда. Тест топширганлиги тўғрисида маълумотномани кўрсатиб, сайёҳлар карантин ҳудудига эмас меҳмонхоналарга жойлаштирилади.

Аҳолимизда саёҳат қилиш кайфиятини уйғотишимиз учун, ҳар йили “Халқаро ёдгорликларни ва тарихий обидаларни асраш куни”да ички туризмга имтиёзлар беришимиз лозим. Шунда йил давомида аҳолимизда шу кунни кутиб пул жамғариб бориш кўникмаси шаклланади ва одат тусига айланади.

Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг грантларидан турфирма ва тuroператорларга маблағ ажратиш, улар бу маблағлардан унумли фойдаланиб, янги туристик маҳсулотлар ва туристик хизматлар кўрсатишини назорат қилиш лозим.

Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов кўмита томонидан туризмни ривожлантириш бўйича “Uzbekistan is my second home” (Ўзбекистон – менинг иккинчи уйим) лойиҳаси устида иш олиб борилаётганлигини таъкидлади [6]. Лойиҳадан кўзланган мақсад иммиграцион виза турини ишлаб чиқиш ва бу орқали даромадлари юқори ва академик ютуқлари кўп бўлган одамларни жалб қилишга эришилади. Бу эса, ҳам инвестиция, ҳам илмий ва бошқа турдаги тажрибаларни Ўзбекистонга олиб келишни оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бутунжаҳон туризм ташкилоти – ЮНВТО нинг расмий сайти маълумотлари.
2. Т.Холдоров, Х.Туленова. Туризм сайёҳлик. Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2016. 20-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz сайти маълумотлари.
4. www.kun.uz расмий сайтидан олинди.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Янги Ўзбекистон” нашрининг www.yuz.uz маълумотлари.
6. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимовнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти Европа минтақавий комиссиясининг 65-йиғилишида иштирок этгач, kun.uz мухбирига берган интервьюсидан.
7. М.А.Мирзаев, М.Т.Алиева. Туризм асослари. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2011. – 288 бет.